

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 371.126.378

ШОДИЕВ ИЛЁСЖОН НАРЗИҚУЛ ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КОНФЛИКТОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Шодиев Илёсжон Нарзиқул ўғли

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни
ривожлантириш..... 3

Шодиев Илёсжон Нарзиқул ўғли

Развитие конфликтологической компетентности
у будущих учителей..... 24

Шодиев Илёсжон Нарзиқул ўғли

Development of conflictological competence in future
teachers..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВ ИЛЁСЖОН НАРЗИҚУЛ ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КОНФЛИКТОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1552 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат педагогика университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий ошнONENTлар:

Ҳакимова Муҳаббат Фаїзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Салтеева Зухра Тахировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг «18» 02 2022 йил соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1471 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «7» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «7» 02 даги 63 - рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исенов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олий таълим тизимини ривожлантириш, таълим мазмуни ва унга қўйиладиган талабларни оптималлаштириш, педагог ва таълим олувчилар муносабатлари самарадорлигини ошириш, педагогик конфликтларни бартараф этиш кўникмаларини ва таълим субъектларида конфликтологик компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Турли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жанубий-Шарқий Осиё таълим вазирлари ташкилоти (SEAMEO), томонидан таълимни ривожлантиришда минтақавий марказларни ривожлантириш, таълим соҳасидаги илмий фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашиш ва ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш каби талабларнинг илгари сурилиши педагогик жараёндаги шахслараро низоларни ижобий ҳал этиш, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг аҳамиятлилигини ҳам акс эттиради.

Жаҳонда олий таълим сифатини яхшилаш, маданий ва гуманитар ҳамкорликларни кенгайтириш, маданий ва гуманитар ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, фан ва техника, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларни изчил кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим муҳитида педагогик конфликтларни бартараф этишнинг усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш, олий таълимда педагог ва таълим олувчилар ўртасида низоли вазиятларни конструктив бартараф этиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш, соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг имкониятларини аниқлаштириш, рефлексив педагогик усуллар воситасида конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг мазмуни ва имкониятларини кенгайтиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Т., 2020. – 28 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида педагогик низолар коррекцияси, педагогик низоларни конструктив бартараф этишнинг психологик-педагогик асослари Ш.Абдуллаева, Н.Азизходжаева, М.Ахмедова, М.Давлетшин, С.Джумаева, С.Жалилова, Х.Ибрагимов, В.Каримова, Х.Каримов, Д.Нарзикулова, Д.Рўзиева, З.Салиева, Г.Туйчиева, А.Холиқовлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларидан А.Анцупов, С.Банькина, Е.Ефимова, В.Журавлев, Д.Ивченко, М.Клименский, Г.Бреслав, Е.Корнеску, В.Сидорьяк, Р.Куприянов, А.Мельничук, С.Мустафаева, С.Романов, Е.Сгонникова, А.Шипилов кабиларнинг тадқиқотларида шахслараро конфликтлар, конфликтларнинг хусусиятлари, конфликтологик компетентлик, мулоқотда конфликтли вазиятларнинг юзага келиши, конфликт динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари касбий таълим нуктаи назаридан ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан К.Bohlander, D.Kelley, H.Kevin, A.Lindsey, Sh.Miceli, T.Simons., R.Peterson, W.Weston кабилар касбий фаолиятдаги конфликтлар; конфликтнинг жинсга, ёшга кўра фарқлари; ўқитувчи ва талаба ўртасидаги конфликтлар; конфликтли вазиятларни бошқариш ва ҳал этишда қарорлар қабул қилиш; низоларнинг шахс хулқ-атвориغا алоқадорлиги бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларда педагогик-психологик фанлар орқали конфликтологик компетентликни ривожлантириш имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликнинг тузилиши, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг функционал-тузулмали моделини такомиллаштириш;

рефлексив усуллар орқали бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Кўкон давлат педагогика институтининг 177 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-таққослаш, педагогик кузатув, сўров, суҳбат, анкета, тест, моделлаштириш, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш тузилмаси мотивацион-қадриятли, коммуникатив, эмоционал-иродавий, рефлексив, ташкилий-фаолиятли компонентларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш даражасининг доимий барқарорлиги ва қайта алоқаси динамиклигини барқарор ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

педагогик-психологик фанларнинг бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш имкониятлари ўқув модуллари орасида ички интеграция барқарорлигини ҳисобга олиш, аниқ вазиятларга асосланган низоли масалаларга доир ўқув материаллари конфликтологик компетентликни ривожлантириш мазмунига адаптив мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш модели ташаббусга доир англаш, регулятив, коммуникатив, прогностик, бошқарув, амалий йўналтирилган функциялар билан бутунлик, ўриндошлик, онглилик ва фаоллик, индивидуаллик, назария ва амалиётнинг интенсиф боғлиқлиги, рефлексив бошқарув тамойилларнинг бевосита ўзаро синхрон алоқадорлиги ўзгаришларни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари жараёнга рефлексив-педагогик усуллар воситасида жадал таъсир

кўрсатиш, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик билимларни таркиб топтириш, конфликтологик тушунчалар луғатини жорий этиш, самарали мулоқот техникасини эгаллашга доир модерацион фаолияти миллий кадриятларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш технологиясининг мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришга доир рефлексив-педагогик усуллар ишлаб чиқилган;

“Конфликтологик компетентлик” тўғарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “конфликтологик компетентлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги; бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш технологиясининг компонентлари, мезон ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги; рефлексив технологиялар воситасида конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг мазмуни ёритиб берилганлиги; бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш мазмунининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришда рефлексив-педагогик усулларнинг аҳамияти эмпирик асосланганлиги; бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш технологияси моделининг ишлаб чиқилганлиги; педагогик-психологик фанларнинг бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш имкониятларининг ёритиб берилганлиги; конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг рефлексив технологиялари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш тузилмаси мотивацион-кадриятли, коммуникатив, эмоционал-иродавий, рефлексив, ташкилий-фаолиятли компонентларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш

даражасининг доимий барқарорлиги ва қайта алоқаси динамиклигини барқарор ҳисобга олиш асосида аниқлаштиришга оид таклифлар ОТ-Ф1-36-рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 ноябрдаги № 02-07-3778/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликнинг тузилиши, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштиришга эришилган.

педагогик-психологик фанларнинг бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш имкониятлари ўқув модуллари орасида ички интеграция барқарорлигини ҳисобга олиш, аниқ вазиятларга асосланган низоли масалаларга доир ўқув материаллари конфликтологик компетентликни ривожлантириш мазмунига адаптив мослаштириш орқали такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 ноябрдаги № 02-07-3778/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда педагогик-психологик фанлар орқали конфликтологик компетентликни ривожлантириш омиллари аниқланган;

бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш модели ташаббусга доир англаш, регулятив, коммуникатив, прогностик, бошқарув, амалий йўналтирилган функциялар билан бутунлик, ўриндошлик, онглилик ва фаоллик, индивидуаллик, назария ва амалиётнинг интенсив боғлиқлиги, рефлексив бошқарув тамойилларнинг бевосита ўзаро синхрон алоқадорлиги ўзгаришларни ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ОТ-Ф1-36-рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 ноябрдаги № 02-07-3778/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш имконияти оширилган;

конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари жараёнга рефлексив-педагогик усуллар воситасида жадал таъсир кўрсатиш, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик билимларни таркиб топтириш, конфликтологик тушунчалар луғатини жорий этиш, самарали мулоқот техникасини эгаллашга доир модерацион фаолияти миллий қадриятларга устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 14 ноябрдаги № 02-07-3778/04-сон далолатномаси). Натижада, рефлексив усуллар орқали бўлажак

ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш имкони кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши: Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 148 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик конфликтларнинг моҳияти, турлари, хусусиятлари, сабаблари; конфликтологик компетентликнинг компонентлари, мезонлари; бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва амалий ҳолати ўрганилди.

А.С.Белкиннинг таъкидлашича, педагогик конфликт ўқув-тарбия жараёнида педагог ва таълим олувчиларнинг манфаатлари тўқнашуви натижасида юзага келадиган қарама-қаршиликларда муносабатларнинг ҳал қилиниши ва уйғунлаштирилишидир.

Муаллифларнинг фикрларига таянган ҳолда, педагогик конфликтга таълимий мақсадлар, манфаатларнинг ўзаро зидлиги натижасида педагогик жараён субъектлари ўртасидаги очиқ тўқнашув, педагогик қарама-қаршиликнинг ифодаланиши, ва ўзаро муносабатларни педагогик жиҳатдан мувофиқлигини таъминлашга қаратилган, конструктив қарорга бўлган талаблардир деб таъриф беришимиз мумкин.

Тадқиқотлар таҳлиliga кўра, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги шахслараро конфликтларнинг қуйидаги сабаблари ажратиб кўрсатилади: интизомий (хулқ-атвор зиддиятлари), мотивацион (кўп йўналишли мотивлар тўқнашуви),

ахлоқий-этик (педагогик фаолиятдаги мулоқотда юзага келувчи, кадриятлар тизимидаги фарқлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг субъектив муносабатлари).

Педагогик-психологик адабиётлар таҳлиliga кўра, олий таълим муассасаларида педагогик низоларнинг қуйидаги турлари кузатилиши мумкин деб хулосага келинди: ички шахсий – шахснинг мотивлари, қизиқишлари, кадриятлари, анланган ва анланмаган манфаатларининг курашини акс этирувчи низолар; шахслараро – ўз ҳаётий фаолиятида қарама-қарши ният, орзу, истак ва мақсадларни амалга оширишга интилувчи шахсларни ифода этувчи низолар; гуруҳлараро – бири-бирига мос келмайдиган мақсадларни кўзлаган ва уларни амалга ошириш йўлида бир-бирига тўсқинлик қилувчи ижтимоий гуруҳлараро низолар; шахсий-гуруҳли – шахс ҳулқининг гуруҳ қоидалари, интилишлари ва кадриятларига мос келмаслиги ҳолатларида юзага келадиган низолар.

Илмий назарий адабиётлар таҳлиliga кўра ўқитувчи ва талаба ўртасидаги низоларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: интизомий низо; дидактик ўзаро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар; ўқитиш услубидаги конфликтлар; ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатлардаги конфликтлар.

Педагог ва талаба ўртасидаги конфликт ижтимоий ўзаро муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлиб, таълим жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни ифодалаш билан бирга, уларни ҳал этиш жараёни сифатида ҳам изоҳланади.

Педагог ва талаба шахси ўртасидаги конфликтлар объектив сабабларга кўра юзага келса-да, бироқ конфликт ҳодисасига субъектив ёндашишнинг эҳтимоллиги диққатни қаратадиган даражада юқори эканлиги аниқланди.

Педагогик жараёнда юзага келувчи педагоглараро конфликтларнинг турлари ва сабабларини таҳлил этиб ўқитувчилар ўртасидаги зиддиятларнинг асосий хусусиятларини келтириш мумкин: шахсий ўзига хосликлар; ўқитувчилар касбий фаолиятига педагогик таъсирнинг хусусиятлари; ўқитувчилар меҳнат шароитларининг хусусиятлари.

Бир қатор тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг норозилигини келтириб чиқарадиган омил – бу ўқитувчи ва маъмурият ўртасидаги муносабатлар эканлигини аниқлашга имкон берди. Бунда ўқитувчи ва маъмурият ўртасидаги зиддиятларнинг сабабларини аниқлаштириш муҳимдир.

Тадқиқотлар таҳлиliga кўра, ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги зиддиятларнинг бош сабаби – талаба-педагог, фарзанд-ота-она позицияларини эгаллаган икки катталар ўртасидаги зиддиятлардир. Педагог ва ота-она ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларнинг моҳиятини илмий англаб етишда ушбу конфликтнинг хусусиятлари ва кенг тарқалган сабабларини ўрганиш зарур деган хулосага келинди.

Замонавий шароитда педагогик конфликтологиянинг ўқитилиши бўлажак ўқитувчининг педагогик маданиятини ривожлантиради ва бу ўз навбатида компетентлик билан бевосита алоқадор. Олий таълим муҳитида кузатиладиган педагогик низоларни конструктив бартараф этишда бўлажак ўқитувчиларда

конфликтологик компетентликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Конфликтологик компетентлик тушунчасининг мазмунини аниқлашдан олдин, компетенция ва компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олишимиз зарур. Муаллифлар томонидан компетентлик ва компетенция тушунчалари қуйидагича изоҳланади: Н.М.Муслимовнинг фикрича, инглизча “competence” тушунчасининг луғавий маъноси “қобилият” демакдир, бироқ, компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади; К.Д.Рискулованинг тадқиқотларида компетенция ва компетентлик тушунчалари мазмунан бир хил мақсадга қаратилса-да, моҳиятан бир-биридан қисман фарқ қилиши таъкидланади. Унга кўра компетентлик амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, тажриба орқали билим, кўникма, малакаларни намоён этиш даражаси сифатида изоҳланса, компетенция – у ёки бу соҳа бўйича “билимдонлик” деб таърифланади.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш, аввало, унинг мазмунини илмий жиҳатдан англашни талаб этади. Тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлилидан, “конфликтологик компетентлик” тушунчасига нисбатан қуйидагича таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Д.Х.Нарзикулова конфликтологик компетентлик тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “конфликтологик компетентлик – педагогнинг махсус компетенциялари тизимига тегишли бўлиб, у таълим муассасасида низоларни бошқаришга тайёрлик ва қобилиятлиликни ифода этади”. Е.Е.Ефимованинг тадқиқотларида конфликтологик компетентлик “конфликтларда хатти-ҳаракатларнинг мумкин бўлган усуллари доираси тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш ва ушбу стратегияларни муайян ҳаётий шароитда амалга ошириш қобилияти” деб таърифланади.

Илмий назарий тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда, конфликтологик компетентлик тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини берамиз: педагогик жараёндаги шахслараро конфликтларни конфликтологик билим ва маҳоратига таянган ҳолда самарали бартараф этишни ифодаловчи, шахснинг интеграл сифатларини ўзида мужассамлаштирувчи бўлажак ўқитувчи шахсининг қобилияти.

Илмий тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлили асосида бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари аниқланди: мотивацион-қадриятли компонент, когнитив компонент, коммуникатив компонент, эмоционал-иродавий компонент, рефлексив компонент ва ташкилий-фаолиятли компонент.

Адабиётлар таҳлили ва тадқиқотлар мазмунига таянган ҳолда конфликтли вазиятларда шахснинг қуйидаги хулқ-атвор усуллари тадқиқ этиш зарурлиги аниқланди: рақобат, ҳамкорлик, муросалилик-келишувчанлик, тортишувдан қочиш, мослашувчанлик.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожланганлик даражасини аниқлашда унинг мезонлари ва даражаларини аниқлаб олиш талаб этилади. Даражаларни белгилашда мотивацион-қадриятли, когнитив,

коммуникатив, эмоционал-иродавий, рефлексив ва ташкилий-фаолиятли мезонлар ва кўрсаткичлар ҳисобга олинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Конфликтологик компетентлик мезонларининг даражалари

Импульсив даража					
Мотивацион-кадриятли мезон	Когнитив мезон	Коммуникатив мезон	Эмоционал-иродавий мезон	Рефлексив мезон	Ташкилий-фаолиятли мезон
Низоларни ҳал этишда фақат айрим мавзулар, ҳодисаларга қизиқиш мавжуд, йўналганлик, кадриятли муносабат сифатлари шаклланмаган.	Билим ҳажми эпизодик, маиший характер касб этади, низони ҳал этиш соҳасида назарий, амалий маҳорат шаклланмаган, танқидга муносабати салбий, низолашувчанлик юқори.	Мулоқотга киришишда қийинчиликлар мавжуд, жамоавий муносабатларда тушунмовчиликлар келиб чиқади, мулоқотчанлик, коммуникативлик сифатлари паст даражада.	Кутилмаган вазиятга нисбатан ҳиссий таъсирчан, ўзига макбул бўлмаган ҳолатларни кўпол рад этади, баҳс-мунозаранда чекинмайди, эмоционал барқарорлик ва иродавий сифатлари ривожланмаган.	Ўзига адекват баҳо бера олмайди, баҳолаш хулосалари ё мутлоқ ўзлик ҳисси томонга ёки номукамаллик томонга йўналтирилган, ўзига ишончи ва рефлексивлиги паст даражада.	Конфликтларни ҳал этиш жараёнидан ўзини олиб қочади, низоли вазиятда муносабатни ташкил қилиш кўникмалари паст даражада.
Формал даража					
Шахсий ривожланишда қизиқиш, мотив, эҳтиёж кузатилади, ёрқин низоли жараёнлар, ҳодисаларга, қизиқиш, сезилиб туради. кадриятли муносабат шакллана бошлаган.	Педагогик конфликтларни ҳал этишда назарий, услубий ва амалий билимларни англай олиш кузатилади, танқидга муносабати ва низолашувчанлик ўрта.	Конфликтли вазиятда фикрларини аниқ, равон баён эта олмайди, янгича қарашларга муносабати ноаниқ, мулоқотда ўзини бошқариш, коммуникатив назорат ўрта даражада.	Баҳсларда ҳукмронлик қилишга уринади, ёт нигоҳлар, ёндашувлар, фикрларни ҳар доим маъқулламайди. эмоционал назорат ва иродавий сифатлари ўрта даражада ривожланган.	Ўз-ўзини баҳолаши барқарор эмас, сиртдан таъсир этилган ҳолатларда ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлади, рефлексив муносабат кўникмаси кузатилади.	Педагогик низони таҳлил қилиш, баргараф этиш, баҳолаш элементлари кузатилади, намуна бўйича педагогик вазифаларни ташкил этиш кўникмаси мавжуд.
Оптимал даража					
Конфликтларни баргараф этишга мотивацион-кадриятли муносабат шаклланган, конфликтология бўйича билимларни эгаллашга юқори барқарор эҳтиёж мавжуд.	Низоларни ҳал этишга оид билими тизимли барқарор, билимларни реал педагогик фаолиятда қўллаш имконияти юқори, танқидга муносабати ижобий, низолашувчанлик паст даражада.	Жамоа бўлиб ишлаш, қарор қабул қилишда қатнашиш, фикрини бошқаларга етказиш, ҳиссиётларини мулоқотда назорат этиш кузатилади, мулоқотчанлик, коммуникатив назорат юқори.	Компромисс, ўз-ўзини мувофиқлаштириш, интизомини сақлаш, ўзини ҳиссий-эмоционал назорат ва иродавий сифатлар юқори даражада ривожланган.	Ўзини адекват баҳолаш, таҳлил этиш англаш ҳамда конфликтли вазиятларда субъектлар ҳаракатларини таҳлил қила олиш кўникмалари юқори даражада ривожланган.	Низони ҳал этишда ўзаро ҳаракатларни конструкциялаш, амалга оширишга ижодий ёндашув мавжуд, юқори даражада ташкилотчилик хусусиятига эга.

Конфликтологик компетентлик компонентлари ўз навбатида қуйидаги шахс сифатларини ривожлантириш билан алоқадорликка эга: мотивацион-

қадриятли компонент – йўналганлик, қадриятли муносабатнинг шаклланганлиги; когнитив компонент – низо ва танқидга барқарорлик; коммуникатив компонент – мулоқотчанлик, коммуникативлик; эмоционал-иродавий компонент – эмоционал барқарорлик, иродавий сифатларнинг ривожланганлиги; рефлексив компонент – ўзига ишончнинг адекватлиги, рефлексивлик; ташкилий-фаолиятли компонент – ташкилотчилик.

Конфликтологик компетентликни ривожлантиришга қаратилган рефлексив усуллар деганда, педагогик муносабат субъектларининг ҳаракатларини таҳлил қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ривожлантириш ва педагогик низоларни ҳал қилиш учун ўзини ўзи такомиллаштиришга қаратилган усуллар англашилади деб хулосага келинди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланиб, педагогик-психологик фанларнинг бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришдаги имкониятлари, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш модели, ривожлантиришнинг рефлексив усуллари ҳамда бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.


Тадқиқот ишимизда бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришда педагогик ва психологик фанларнинг имкониятларини ўрганиш, ўқитиладиган фанларни таҳлил этиш ва мазкур фанларнинг имкониятларини ёритиб беришда ўқув фанлари орасидаги ички интеграцияни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги изоҳланди.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш жараёнининг умумий мазмуни бўлажак мутахассиснинг тайёргарлигига нисбатан мавжуд бўлган назарий-методологик ёндашувларни аниқлаш ва таҳлил этишни талаб этади. Бўлажак ўқитувчи шахсини тайёрлаш муаммоси бугунги кунда турли ёндашувлар позициясидан туриб фаол ҳал этилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш жараёнида тизимли (умумилмий сифатида), шахсий-фаолиятли (назарий-стратегия сифатида), компетентли ва рефлексив-ижодий (амалий-йўналтирилганлик сифатида) ёндашувлардан фойдаланиш муҳимлиги изоҳланди.

Конфликтологик компетентликнинг мотивацион-қадриятли, когнитив, эмоционал-иродавий, коммуникатив, рефлексив ва ташкилий фаолиятли компонентларини ривожлантиришга рефлексив-педагогик усулларнинг ташаббусли, англаш, регулятив, коммуникатив, прогностик, бошқарув функцияларининг алоқадорлиги изоҳланди.

Конфликтологик компетентликни ривожлантириш модели мотивацион-қадриятли, мазмунли, фаолиятли, натижаларни баҳоловчи блокларни ўзида акс эттириб, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришга доир ижтимоий буюртма, мақсад, ёндашувлар, низоли вазиятлардаги хулқ-атвор усуллари, рефлексив-педагогик усуллар функциялари, конфликтологик компетентликнинг компонентлари, амалий

фаолият тамойиллари, рефлексив-педагогик усуллар, педагогик шарт-шароитлар, баҳолаш мезонлари ва даражалар белгилаб берилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Рефлексив усуллар воситасида конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг функционал-тузилмали модели.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш муаммоси, конфликтологик компетентликнинг мазмунини чуқур англаган ҳолда, бўлажак ўқитувчи шахси, педагогик жараён иштирокчилари ва ўзаро манфаатлар тўқнашувининг педагогик-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожлантириш жараёнининг босқичлари, конфликтологик компетентликнинг компонентлари, ривожлантириш жараёнининг тамойиллари, шакл, метод ва натижаларни баҳолашнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда моделлаштиришни талаб этади.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилди: бутунлик, ўриндошлик, онглилик ва фаоллик, дифференциаллашиш ва индивидуаллашиш, назария ва амалиётнинг боғлиқлиги, рефлексив бошқарув.

Тадқиқот ишимизда бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришда мотивацион-қадриятли, когнитив, эмоционал-иродавий, коммуникатив, рефлексив ва ташкилий-фаолиятли компонентларни ривожланиши рефлексив усуллар ёрдамида амалга оширилди ва ушбу усуллар шахсда ривожлантирилаётган жиҳатларни шакллантиришда етакчи роль ўйнайди деган хулосага келинди.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентлик компонентлари ривожланишига рефлексив усулларнинг таъсирини аниқлаштириш тадқиқот ишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, қайд этиш зарур, ҳар бир рефлексив-педагогик усул бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентлик компонентлари ривожланишига таъсир этиши аниқланди.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш механизми қуйидаги рефлексив-педагогик усуллар асосида амалга оширилди: Мотивацион таъсир кўрсатиш усули; “Низоли вазиятни ўйлаб топ” усули; Низоли вазиятлар таҳлили чизмасини ишлаб чиқиш ва асослаш усули; Ижодий татбиқ қилиш усули; Кўп поғонали танлов усули; “Мен низоли вазиятдаман” номли ишларни баҳолаш усули; Фаол фикрлаш усули; Эвристик ҳаракат усули; Низони ҳал этишнинг ижодий моделлаштириш усули; Эмпатик шериклик (шахсий ўхшашлик) усули; Ижодий интроспекция (ўзини таҳлил қилиш) усули; Ўйинли моделлаштириш усули; Вазиятдан конструктив чиқиш усули; Тугалланмаган педагогик таклифлар усули; SWOT таҳлил усули; Ўзини англаш усули; Расм усули; “Позицион мулоқот” ўйин усули.

Тадқиқот ишимизда рефлексив усуллар воситасида конфликтологик компетентликни ривожлантириш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари қуйидагича аниқлаштирилди: конфликтологик компетентликни ривожлантириш жараёнига рефлексив-педагогик усуллар воситасида жадал таъсир кўрсатиш; бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик билимларни таркиб топтириш; конфликтологик тушунчалар луғатини жорий этиш; модерация ва самарали мулоқот техникасини эгаллаш.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни рефлексив усуллар воситасида ривожлантириш жараёни рефлексив усулларнинг мазмуни

ва хусусиятлари ўрганишни талаб этади. Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликнинг мотивацион-қадриятли, когнитив, эмоционал-иродавий, коммуникатив, рефлексив ва ташкилий-фаолиятли компонентларининг ривожланишига рефлексив-педагогик усулларнинг жадал таъсир кўрсатиши аниқлаштирилди (2-жадвал).

2- жадвал.

Конфликтологик компетентлик компонентлари ривожланишига рефлексив-педагогик усулларнинг таъсири

1. Мотивацион-қадриятли компонент	4. Эмоционал-иродавий компонент
1. Мотивацион таъсир кўрсатиш усули. 2. Низоли вазиятни ўйлаб топ усули.	1. Эмпатик шериклик усули. 2. Расм усули. 3. Ижодий интроспекция усули.
2. Когнитив компонент	5. Рефлексив компонент
1. Низоли вазиятлар таҳлили чизмасини ишлаб чиқиш ва асослар усули. 2. Кўп поғонали танлов усули. 3. Тугалланмаган педагогик таклифлар усули. 4. “Мен низоли вазиятдаман” усули. 5. Фаол фикрлаш усули. 6. Эвристик ҳаракат усули. 7. Низони ҳал этишни ижодий моделлаштириш усули.	1. Низоли вазиятлар таҳлили чизмасини ишлаб чиқиш ва асослар усули. 2. Ижодий тадбиқ қилиш усули. 3. Эмпатик шериклик усули. 4. Ижодий интроспекция усули. 5. Ўзини англаш усули. 6. Ўйинли моделлаштириш усули. 7. Эвристик ҳаракат усули. 8. “Мен низоли вазиятдаман” номли ишларни баҳолаш усули.
3. Коммуникатив компонент	6. Ташкилий-фаолият компонент
1. SWOT таҳлил усули. 2. Низоли вазиятлар таҳлили чизмасини ишлаб чиқиш ва асослар усули. 3. Ижодий тадбиқ қилиш усули. 4. Фаол фикрлаш усули. 5. Низони ҳал этишнинг ижодий моделлаштириш усули. 6. “Позицион мулоқот” ўйин усули.	1. Кўп поғонали танлов усули. 2. Ижодий тадбиқ қилиш усули. 3. Ўйинли моделлаштириш усули. 4. Низони ҳал этишни ижодий моделлаштириш усули. 5. Вазиятдан конструктив чиқиш усули (қадам-бақадам). 6. Фаол фикрлаш усули.

Жадаллашиб боровчи таъсир бўлажак ўқитувчининг ўзи томонидан бошқариладиган ўқув фаолиятига дахлдорлик билан боғлиқ ўз мантиғига эга бўлиб, бу уч босқичдан иборат деган хулосага келинди. Биринчи босқич (ташаббускор) муаммоли-низоли вазиятни чуқурлаштириш (рефлексияни фаоллаштириш)ни англатади; иккинчи босқич (ўзгартирувчи) бўлажак ўқитувчининг рефлексияга лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган; учинчи босқич (яратувчи) бўлажак ўқитувчиларда муайян ўқув машғулоти давомида ўз фаолияти “маъноси”ни тушунмаслик келиб чиқишини таъминлайди.

Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришда конфликтологик тушунчалар луғатини жорий этиш педагогик шарт-шароитининг белгилаб олиниши, ҳар бир ўқув фани ўз

атамаларига эгаллиги, уларни ўзлаштириш ўқитишнинг муваффақиятли кечиш жараёнига таъсир кўрсатувчи муҳим омил экани, чунки номаълум тушунчалар ўқув материалларини қабул қилишни қийинлаштириши билан асосланди.

Конфликтологик компетентликни ривожлантиришда конфликтологик билимларнинг етарлича бўлмасдан, конфликт тузилиши, мазмуни, динамикасини англамай туриб, педагогик низоларни ижобий бартараф этиш мумкин эмас. Шунингдек, конфликтларни бартараф этиш компетентлигини ривожлантиришда модерация ва самарали мулоқот техникасини эгаллаш зарур деган хулосага келинди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришни экспериментал ўрганиш”** деб номланган учинчи бобда бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликни ривожланишга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, ташкил этиш методикаси, натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилди: асословчи тажриба-синов ишлари (2017-2018 йиллар); шакллантирувчи тажриба-синов ишлари (2018-2019 йиллар); таҳлилий-умумлаштирувчи ишлар (2019-2020 йиллар) ва ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифалари аниқланди.

Асословчи тажриба-синов ишлари мақсади сифатида бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик компетентликнинг мазмуни, компонентлари, ташхис этишнинг мезон ва кўрсаткичлари, тажриба-синов ишларида фойдаланиш мумкин бўлган метод ва сўровномаларни аниқлаштириш, тадқиқот объектларини белгилаб олиш ва асословчи тажриба-синов ишларини ташкил этиш деб белгиланди.

